



## **«BMKB-AGROMASH» АЖ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИДАГИ ХАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМ**

### **МУНДАРИЖА**

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
- II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШУВЧИ ШАХСЛАР ДОИРАСИ**
- III. ЖАМИЯТДАГИ МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ БОШҚАРИШДАГИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР**
- IV. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**
- V. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**
- VI. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**
- VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, «BMKB-AGROMASH» АЖнинг (кейинчалик матнда-Жамият) устави, Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилигини аниқлаб, ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга оширишда жамиятнинг (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари) мулкӣ ва бошқа манфаатлари ўртасида ва кредиторлар, контрагентлар, ва бошқа мижозлари (кейинчали-мижозлар) ўртасидаги мулкӣ ва бошқа манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқлар содир бўлиши мумкин. Бундай қарама-қаршилиқлар жамият бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракат қилмаслиқлари) оқибатида акциядорларнинг қонуний манфаатларига путур етказиш ҳоллари содир бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида ҳам, назорат ва бошқарув органлари ва акциядор (акциядорлар) манфаатлари ўртасида ҳам манфаатлар келишмовчилиги содир этилиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлишининг қуйидаги ҳоллари кўриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар ўртасида (акцияларнинг йирик пакетларига эга бўлган акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кам миқдордаги акцияларга эга бўлган акциядорлар);

Жамиятни бошқарув органи ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

Жамиятнинг бошқарув органи ва назорат органлари, жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари, Мижозлари ўртасида;

Жамият ва унинг мансабдор шахслари, жамиятнинг ходимлари ўртасида улар ўз хизмат вазифаларини бажаришларида.

## **II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШУВЧИ ШАХСЛАР ДОИРАСИ**

4. Низом таъсири бошқарув ва назорат органлари аъзоларига ва жамиятнинг, эгаллаб турган лавозимининг даражасига қарамасдан, барча ходимларига тааллуқлидир.

5. Мазкур Низом талабларига риоя қилиш талаби жамият билан фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга ҳам, агар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида ёки қонундан келиб чиққан ҳолларда, шунга тегишли мажбуриятлар белгиланган бўлса, тааллуқли бўлади.

## **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

6. Жамиятда манфаатлар келишмовчилигини қуйидаги принциплар асосида бошқарилади:

реал мавжуд бўлган ва пайдо бўлиши мумкин манфаатлар келишмовчилигини ошқор қилиш мажбурияти;

якка тартибда кўриб чиқиш ва ҳар бир манфаатлар келишмовчилиги аниқланганида Жамият учун путур етказиш хавфини баҳолаш ва уни ҳал қилиш;

манфаатлар келишмовчилиги ҳақидаги маълумотларни очиш ва уни ҳал қилиш жараёнидаги қатъий махфийлик;

манфаатлар келишмовчилигини ҳал қилишда жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари ва унинг ходимлари манфаатлари нисбатига риоя қилиш;

жамият ходими томонидан манфаатлар келишмовчилиги мавжудлиги ҳақида ўз вақтида ошқор қилинган ва жамият томонидан ҳал қилинганлиги сабабли ходимга етказилиши мумкин бўлган зарардан ҳимоя қилиш.

## **IV. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING САБАЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида, жамиятни бошқариш органи ва назорат органи ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилиги:

Қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

миноритар акциядорларнинг жамият фаолиятига ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга сезиларли даражада таъсир кўрсата олмаслиги;

ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишмасдан туриб, йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар туза олмаслиги;

бошқарув органлари томонидан жамиятнинг моливий аҳволини оғирлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълумотни ошқор қилмаслик ёки жамият бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятлардаги улушларга (акцияларга) эгаллик қилиши ҳақидаги маълумотни тўлалигича ошқор қилмаслиги оқибатида келиб чиқиши мумкин.

8. Қуйидаги сабабларга кўра жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлар ва Мижозлари ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилиги:

қонунчиликка, жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларга риоя қилмаслик;

жамият акциядорларининг манфаатлари устиворлиги принципига риоя қилмаслик;

расмий мулоқат меъёрлари ва профессионал ахлоқ принципларига риоя қилмаслик;

Жамият ўз томонидан, Мижозлар ўз томонларидан шартномавий мажбуриятларини бажармасликлари;

ўзининг қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиқиши мумкин.

9. Қуйидаги сабаларга кўра жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчиликлари:

Қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

расмий мулоқат меъёрлари ва профессионал ахлоқ принципларига риоя қилмаслиги;

ўзи ва оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятини юритиши;

жамият билан иш юзасидан амалий ишлар муносабатларида бўлган бошқа компанияда молиявий манфаатлари мавжудлиги;

бошқа ташкилотда қўшимча иш тариқасида раҳбар, мансабдор шахс лавозимида ишлаши ёки бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида қатнашиши;

ўз манфаатларини кўзлаб жамият манфаатларига зид равишда бошқа ташкилотларга фаолият юритиш имкониятларини яратиб бериши оқибатида келиб чиқиши мумкин.

## V. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

10. Жамият устави ва унинг ички ҳужжатларида манфаатлар келишмовчилигини олдини олишнинг умумий механизмлари кўзда тутилган.

Мазкур Низом билан жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чоралар ўрнатилади.

11. Барча турдаги манфаатлар келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар:

қонунчилик, меъёрий актлар талабларига, жамиятнинг устави ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр давомида Жамият даромадлилигига барқарор эришишини таъминлаш;

келишмовчилик туғдирадиган вазиятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳаракатларни бажариш ва қарорлар қабул қилишдан ўзини тийиш;

жамиятни самарали бошқарилишини таъминлаш;

жамиятни қонунга ғилоф бўлган фаолиятга тортилиши мумкинлигини бартараф қилиш, жумладан жиноий йўл билан топилган даромадларни легализациялаш, терроризмни молиялаштириш;

товар ишлаб чиқаришда (иш ва хизмат) етишиш мумкин бўлган максимал самарали натижани таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ ҳар чоракда бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;

Устав ва жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;

битимларнинг суммаси миқдори қонунчилик ва жамият устави томонидан ўрнатилган битимлар суммасидан ошган йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бири-бири билан боғлиқ бўлган бир қатор битимларни кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун тақдим қилиш;

назорат органлари томонидан йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимларнинг тузиш шартларини ўрганишни амалга ошириш;

қонунчилик талабларига мувофиқ кузатув кенгаши томонидан битимлар тузиш қарори маъқулланган тақдирда, заруриятга кўра, мол-мулкнинг бозор нархни аниқлаш учун мухтор баҳоловчини жалб қилиш;

аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳисобини олиб боришни таъминлаш;

битимлар тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилишни таъминлаш;

а) аффилиланган шахслар билан;

б) жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан;

йирик битимларни ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни уларни жамиятнинг ваколатли органлари маъқулламагунга қадар тузмаслик;

юқори турувчи органларнинг рухсатсиз юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида мансабдор лавозимни эгалламаслик;

жамиятнинг ахборот сиёсати Низомига кўра амалдаги қонунчилик ва қўшимча маълумот талабларига мувофиқ жамият фаолиятига тегишли бўлган маълумотни ошкор қилишни амалга ошириш;

акциядорлар, Мижозлар, тартибга солиш ва текширув органлари ва бошқа манфаатдор шахсларга, жумладан реклама мақсадида тақдим қилинадиган бухгалтерия хисоботлари ва бошқа чоп этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

жамиятга тегишли бўлган маълумотни бундай маълумотни олишга имкони бўлган шахслар томонидан ўз манфаатлари йўлида ишлатишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда Жамият ҳақида пайдо бўлган негатив маълумотларни ҳаққоний ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Негатив ва аниқ бўлмаган маълумотларнинг пайдо бўлиши захоти ўз вақтида бундай фактларга нисбатан фикр билдиришни амалга ошириш;

жамиятнинг ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлашда катнашиш;

бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотлар жамиятнинг молиявий аҳволига тўғри келишини, шунингдек жамият фаолиятидаги эришилган натижалар режалаштирилган кўрсаткичларга мослигини таъминлаш;

профессионал ва корпоратив ахлоқ принципларига риоя қилиш.

12. Жамият акциядорлари, ҳамда бошқарув органи ва назорат органлари, жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва унинг акциядорлари (акциядори) ўртасида манфаатлар келишмовчилигини олдини олиш мақсадида назорат ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар, жамият ходимлари қуйидагиларни бажаришлари шарт:

“Акциядорлар жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” Қонуни, меъёрий актлар, устав ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

қонунчиликка мувофиқ очилиши керак бўлган маълумотни акциядорларга ўз вақтида етказишни таъминлаш;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

келишмовчилик предмети бўлиши мумкин бўлган ҳар томонлама чуқур ёритилган маълумотни акциядорларга ўз вақтида етказиш;

жамият билан рақобатчилик муносабатида бўлган бошқа жамиятнинг акцияларини (улуш) сотиб олишда жамиятни бошқарув органлари аъзоларининг моддий манфаатдорлиги бўлган битимларни, ҳамда бошқарув органларида шундай шахслар мавжудлигини аниқлаш;

кузатув кенгаши таркибига қабул қилинадиган қарорларнинг беғаразлиги, ҳар томонлама ўйлаб кўрилганлиги ва мухторлигини таъминлаш учун мухтор аъзоларни таклиф қилишга интилиш.

13. Жамият бошқарув органи ва назорат органлари, жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозларининг ўртасида манфаатлар келишмовчилигини олдини олиш мақсадида назорат ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар, жамият ходимлари қуйидагиларни бажаришлари шарт:

жамият ҳақидаги маълумотни ўрнатилган тартибда тақдим қилишни таъминлаш;

конфиденциал ва бошқа муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилишни таъминлаш;

Мижозга товарларни (хизматларни) шартномада ўзаро келишилиб ўрнатилган нархларда, ёки ҳар томонлама тўла очилган тарифлар бўйича сотиш;

Жамият обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган Мижозлар битимлар тузишга йўл қўймаслик;

Ўз Мижозларига товарларни (хизматларни) профессионал тарзда ва виждонан сотиш;

Мижоз томонидан очик-ойдин йўл қўйилган хатосидан (жумладан, Мижоз томонидан имзоланаган буюртма ва бошқа ҳужжатлардаги хатолар) ходимлар ўз манфаатлари учун онгли равишда фойланишига йўл қўймаслик. Шу турдаги хатоларга йўл қўйилган тақдирда, жамият ходими хато йўл қўйилган ҳужжатни бажармаслик учун оқилона ҳаракатлар қилиб, бу ҳақида Мижозга маълум қилиши керак;

Мижозга берилган тавсиялар мазкур савол бўйича мавжуд бўлган виждонан бажарилган таҳлилга асосланишини таъминлаш;

яратилган, сотиб олинган ва жамият фаолияти давомида йиғилган маълумотлар тизимини такомиллаштириш, яъни жамият бошқарув органи ёки ваколатли мансабдор шахслар рухсатсиз хизмат ёки тижорат сири бўлган ва жамиятда қоғозда, магнит ва бошқа турдаги маълумот сакловчи воситадаги маълумотлар сотилиши, бошқа бировга берилиши, ундан нусха кўчирилиши, уларни кўпайтирилиши, бошқа маълумотга алмашилиши ёки бошқа турда тарқатилиши ва кўп нусхада чоп этилиши мумкин бўлмаслигини таъминлаш.

14. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилигини олдини олиш учун мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

Расмий мулоқат меъёрлари ва профессионал ахлоқ принципларига риоя қилишлари;

Битимларни ўрнатилган тартибда тузиш;

Юқори турувчи мансабдор шахс ёки жамиятнинг бошқарув ёки назорат органини жамият билан рақобатдош муносабатда бўлган ташкилотнинг акцияларини (улушини) сотиб олиш нияти борлиги ҳақида хабардор қилиш;

Юқори турувчи мансабдор шахсни содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилиги вазияти ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

Юқори турувчи мансабдор шахсни жамият ҳозирда ёки келажакда тижорат муносабатларини юритмоқчи бўлган ташкилотларда мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатдорлиги борлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши;

Жамият ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзоларининг молиявий манфаатдорлиги бор бўлган бошқа ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсири бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдан ўзини тийиши;

Жамиятнинг юқори турувчи органларидан жамият манфаатларига зид бўлиши мумкин бўлган бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида қатнашиши учун олдиндан рухсат олиши;

Юқори турувчи мансабдор шахсни бошқа ташкилотда бўнақчилик тарзида ишламоқчи эканлиги ва кўзда тутилаётган иши жамият манфаатларига зид эмаслиги ҳақида маълумот бериши керак.

## **VI. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

15. Жамиятда содир бўладиган манфаатлар келишмовчилигини ҳал қилиш учун жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлари жамият манфаатларига жавоб берадиган, қонуний ва асосланган ҳал қилиш чораларини суддан аввалги процедураларини амалга оширадилар.

16. Мансабдор шахслар жамият бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиби ва таркибий бўлинмалар номига акциядорлар ва Мижозлардан келиб тушадиган хатлар,

аризалар ва талабномаларнинг (жумладан, оғзаки муурожаатлар) ҳисоби юритилиши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

17. Корпоратив келишмовчиликларнинг ҳисоби жамиятнинг корпоратив котиби зиммасига юклатилади. Жамиятнинг корпоратив котиби корпоратив келишмовчиликка баҳо беради, савол юзасидан зарур ҳужжатларни тайёрлайди, ва жамиятнинг кузатув кенгаши билан келишган ҳолда жамиятнинг мазкур корпоратив келишмовчиликни кўриб чиқиб, ҳал қилиш ваколати бўлган органга беради.

18. Жамиятнинг корпоратив котиби тез-тез содир бўлувчи келишмовчиликларни таҳлил қилади, келишмовчиликнинг барча қатнашчиларига қўшимча маълумот беришлари учун имконият бериш қарорини қабул қилади ва/ёки жамиятнинг ички тартиб ва йўриқномаларини ўзгартириш, шунга ўхшаш келишмовчиликларни келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш мақсадида бошқа чора-тадбирларни олиб бориш ваколати бўлган орган раҳбарига таклиф киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа бир маълумот манбаъсидан келишмовчилик келиб чиқиш эҳтимоли борлиги ҳақида маълумот олган ходим бу ҳақида зудлик билан юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор қилиши керак. Агар келишмовчилик таркибий бўлинма раҳбари даражасида ҳал қилинмаса, таркибий бўлинма раҳбари бир иш куни давомида бошқарув органи раҳбари ёки унинг ўринбосарига келишмовчилик, келиб чиқиш сабалари, ҳал қилиш учун кўрилган чоралар ҳақида маълумот бериши керак. Бошқарув органи раҳбари ёки унинг ўринбосари келишмовчиликни ҳал қилиш тартибини белгилайдилар ва ваколатли шахсни тайинлайдилар. Заруриятга қараб, манфаатлар келишмовчилигини ҳал қилувчи комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар келишмовчилигини ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Агар келишмовчилик ҳал қилинмаса, ижроия органи раҳбари бу саволни бошқарувда ҳал қилиш таклифини киритади, келишмовчилик ҳақидаги барча маълумотларни бошқарув раисига юборади.

21. Бу маълумот келишмовчилик вазиятларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун кузатув кенгаши қошида тузилган қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

22. Келишмовчилик ўзининг ривожланишининг маълум бир босқичида Жамият ижроия органи ва унинг ўринбосарлари манфаатларига тегишли бўлган тақдирда, уч иш куни давомида бу маълумотлар келишмовчиликни ҳал қилиш тартибида кузатув кенгашига қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилиб, мазкур савол бўйича хулосани кузатув кенгашига тақдим қилиши учун юборилади.

23. Агар келишмовчиликни кўриб чиқилиши давомида жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларига ўзгаришлар ишлаб чиқилиб, киритилиш эҳтиёжи туғилса, кузатув кенгаши ёки ижроия орган ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тегишли ўзгаришлар киритиш қарорини қабул қилади.

24. Жамиятнинг бошқарув органлари жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган барча турдаги манфаатлар келишмовчилигини ҳал қилишлари учун қуйидаги ҳаракатларни бажаришлари шарт:

келиб чиқаётган манфаатлар келишмовчилигини максимал равишда тез аниқлаб, сабабларини аниқлаш;

жамият бошқарув органларининг ваколати ва маъсулиятини аниқ белгилаш;

жамиятнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки, заруриятга кўра, келишмовчиликни ҳал қилиш учун комиссия тузиш;

максимал қисқа вақт ичида келишмовчиликнинг мазмуни бўйича жамиятнинг муносабатини аниқлаш, тегишли қарорни қабул қилиши ва келишмовчилик қатнашчиларининг иккинчи тарафи эътиборига етказиши керак;

келишмовчилик қатнашчиларининг арз қилган тарафига келишмовчиликка нисбатан жамиятнинг муносабатини билдирувчи асослар келтириб, тўла ва батафсил жавоб жўнатиши, келишмовчилик қатнашчисининг илтимоси ёки талабини кондириш бўйича

рад жавобли хабарномасини эса қонунчилик, меъёрий актлар, жамият устави ва жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички регламентловчи ҳужжатлар билан асослаб, тушунтириши;

келишмовчиликни ҳал қилишда қатнашган ваколатли шахс кўриб чиқиладиган келишмовчилик унинг ўзи ёки унинг оила аъзолари манфаатлари билан боғлиқ бўлганлаги ёки боғлиқ бўлиши мумкин эканлигини зудлик билан маълум қилишини таъминлаш;

ҳал қилинадиган келишмовчилик унинг билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлиши мумкин бўлган шахслар келишмовчиликни ҳал қилишда ва қарор чиқаришда қатнашмаслигини таъминлаш.

25. Акциядорлар, жамият бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиши учун:

Жамият акциядорлари ўртасида содир бўлган келишмовчиликларни ҳал қилишда кузатув кенгашининг мухтор аъзоси воситачи бўлиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасида олиб бориладиган музокараларда қатнашиши, акциядорларга ундаги келишмовчиликка тегишли бўлган маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонунчилик меъёрлари, устав ва жамиятнинг ички ҳужжатлар талабларини тушунтириши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, акциядорлар томонидан имзоланиши учун келишмовчиликни ҳал қилиши ҳужжатларининг лойиҳаларини тузадилар, жамият номидан ўз ваколатлари доирасида келишмовчиликни ҳал қилиниши учун акциядорлар олдида мажбуриятлар оладилар;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив келишмовчиликни ҳал қилиш бўйича қарорни амалга оширилишини ташкиллаштиришлари керак ва жамият номидан келишмовчилик қатнашчиси билан имзоланган келишув бажарилишига қўмаклашиши керак. Агар келишмовчилик тарафи ва жамият ўртасида ўз мажбуриятлари бўйича бахслари бўлмаса, аммо уларни бажариш тартиби, услуби, муддати ва бошқа шартлари бўйича тушунмовчиликлар туғилган бўлса, жамият келишмовчилик қатнашчисига жамиятнинг акциядорнинг талабини қондиришга тайёр бўлган шартларини айтиб, пайдо бўлган тушунмовчиликни ҳал қилишни таклиф қилиши керак;

агар жамиятнинг акциядорнинг талабини қондириш розилиги қонунчилик, устав ёки жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган бўлса, у ҳолда жамият тақдим қиладиган жавобда мана шу шартлар батафсил кўрсатилади, шунингдек, уларни бажариш учун лозим бўладиган маълумот кўрсатилади (масалан, акциядор талаб қилган ҳужжатлардан нусха тушириш учун ишлатилган тўловлар миқдори ёки жамиятнинг банк теквизитлари ва бошқ.).

26. Мазкур рўйхат тўла рўйхат ҳисобланмайди. Ҳар бир аниқ вазиятда манфаатлар келишмовчилиги содир бўлган секторга қараб, келишмовчиликни ҳал қилиш учун бошқа усуллар қўлланилиши мумкин.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Низом, ҳамда унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар акциядорларнинг умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур низомнинг алоҳида меъёрлари Ўзбекистон Республикасида амал қилинувчи қонунчилик ва/ёки жамият устави билан қарама-қарши муносабатда бўлса, у ҳолда ўша моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан ҳал қилинадиган қисмларда мазкур низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасида амал қилинувчи қонунчилик ва/ёки жамият устави билан иш олиб борилиши керак.